


АНДИЖОН АҲЛИНИНГ ТАШАББУСКОРЛИГИ, АЗМУ ШИЖОАТИ ВА ЖАСОРАТИНИ ХАЛҚИМИЗ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ

Истиқлол, Хурлик, Озодлик! Бу муштарак, муқаддас тушунчалар маъно-моҳиятини чуқур англаб етган халқимиз ўзининг бекиёс куч-қудрати ва салоҳиятини намойён этиш имконига эғалигини қалбан ҳис этиб яшамоқда. Бугун дунё ўзбекка, Ўзбекистонга қараб ҳайратланаётир. Қисқа муддатда Юртбошимиз раҳнаомлигида халқимизнинг мардонатор меҳнати эвазига бунёдга келган ривожланишнинг "Ўзбек модели" халқаро миқёсда эътироф этилапти.



Президент Ислам Каримовнинг Андижон вилоятига Амир Темур орденини топшириш маросимидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Муҳтарам Андижон аҳли! Бугун мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз азизлар — Андижон элининг вакиллари билан юзма-юз бўлганимдан, сизларнинг кўларингизда, чеҳрангизда табассум, хотиржамлик, бардамлик кайфияти, кувонч туйғулари кўриб, беҳад мамнун эканимни изҳор этмоқчиман.

Ва мана шундай учрашулар тез-тез бўлиб туришини, дийдор қўришуларимиз доимо тинч ва осуда, хурсандчилик вазиюдаги ўтишини Оллоҳ талондан сўраб қоламиз, десам, ўйлайманки, барчамизнинг орзу-умидларимизни ифода қилган бўлам.

Юртимизда мўтабар Рамазон ҳайити байрамини кутиб-кузатиб турган шу кунларда ҳаётимизда муҳим ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик воқеалар бўлиб ўтаётганидан албатта ҳаммагиз хабардорсиз.

Бугун ҳам барчамиз яна бир қувончли воқеанинг гувоҳи ва иштирокчилари бўлиб турибмиз.

Мамлакатимиз салоҳиятини юксалтириш, ислохотларни амалга оширишда фойдаланиш ва ташаббускорлик қўриб келган, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, ёшларимизни элгу юртга садоқат руҳида тарбиялаш борасида катта ютуқларни қўлга киритаётган Андижон вилоятига Ватанамизнинг юксак мукофоти — Амир Темур орденини топширишга бағишланган тантанали маросимда қатнашмоқдамиз.

Авваламбор, халқимиз, давлатимизнинг вилоят меҳнаткашлари, бугун Андижон аҳлига ишонч ва эътирофини юксак ифодаси бўлиши мана шу олий мукофот билан сиз азизларни, барча-барча андижонликларни чин қалбимдан муборакбод этишга руҳсат бергайсиз.

Қадрли биродарлар! Андижон ҳақида, бу гўзал юртининг қадимий тарихи, бу ерда яшайдиган одамларнинг ноёб феъл-атворлари эга экани, мардлик ва вафодорлиги, ташаббус ва изланувчанлиги ҳақида кўп гапириб бўламиз.

Барчамиз яхши тушунамиз, чуқур англаймизки, Пар-

вардигоримизнинг ўзи ҳар қайси инсон ва элга ўзига хос ақл-идрок, куч ва қудрат, хусусият ва турли аломатларни ятаётгани.

Ҳар қайси эл-юртда бундай хусусият ва ижобий сифатларнинг рўёбга чиқиши учун албатта зарур вазият ва шарт-шароитлар мавжуд бўлиши керак.

Ўйлайманки, агар Андижон элининг ўзига хос салоҳияти, ана шундай олижаноб фазилатлари айниқса истиқлол йилларида — юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш жараёнида яққол намойён бўлмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмади.

Бугунги кунда саноят, ишлаб чиқариш тармоқларини оласизми, қишлоқ хўжалиги ёки ижтимоий соҳалар бўладими — уларнинг барчасида Андижон вилояти салмоқли натижаларга эришмоқда.

Албатта, бу муваффақиятларнинг сабаб ва омиллари кўп, лекин шахсан мен бунинг сирини, аввало, шу элининг ҳеч қимга ўхшамайдиган аломат ва хосиятларида, яъни "анжана" феъл-атвориди, деб биланам.

Бошқа вилоятларимизни камситмаган ҳолда, очик айтишимиз керакки, Андижон халқи ўзининг азму шижоати, янгиликка интилиши, тадбиркорлиги билан нафақат мамлакатимизда, балки чет эллик ҳамкорларимиз ўртасида ҳам обрў-эътибор топмоқда.

Бу фикрнинг тасдиғини вилоятда Америка Қўшма Штатлари ва Англия, Германия ва Франция, Италия ва Хитой, Япония ва Жанубий Корея каби ривожланган давлатларнинг етакчи фирмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган 90 дан ортиқ қўшма корхона ишлаб турганидан, вилоят иқтисодиётига умумий қиймати 1 миллиард 218 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги хорижий инвестициялар киритилганидан ҳам кўришимиз мумкин.

Барчамиз тушунамиз, дунёнинг бизнес оламидида кўп нарсани қўрган бу одамлар анойи эмас, улар ҳамма билан ҳам ҳамкорлик қилавермайдими.

Андижон элининг ақл-заковати, қобилияти, меҳнатсеварлиги, ўз сўзида қатъий ту-

риши мана шундай шерикчилик алоқаларини ўрнатишда муҳим омил бўлаётгани сир эмас.

Шу ўринда замонавий автомобиль ишлаб чиқараётган "ЎздЭўавто" заводи, илғор технологиялар билан жиҳозланган "Алишер Навоий интернешнл", "Андижон кабель", "Андижон полипропилен" каби йирик қўшма корхоналар, маҳаллий хомашё асосида ишлайдиган қўллаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари бугун ўз маҳсулотларини дунёнинг 38 мамлакатига экспорт қилаётганини ҳам қайт этиш лозим.

Азиз дўстлар, шу қувончли дамларда сизларнинг гайрат-шижоат ақс этиб турган очик чеҳрангизга боқиб, бугун тарих мулқига айланган, менинг хотирамга чуқур ўрнашқан қолган айрим лавҳалар кўз ўнгимда гавдаланмоқда.

Хозиргидек эсимда, 1992 йилнинг 3 июлида, Олий Кенгашиимизнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтётган бир пайтда, мен жанубий кореялик ишбилмоқлар билан бирга Асака шаҳрига келган эдим. Мақсад — Ўзбекистонимизда замонавий автомобиль заводи қўриш учун танланган жой билан ҳамкорларимизни таништириш эди.

Албатта, биз бу масаллада республикамиздаги бошқа кўп жойларни ҳам ўрганиб чиққан, уларнинг имкониятларини ҳисоб-китоб қилган эдик. Лекин пировардида бўлгуси завод учун Асака шаҳрини танладик.

Бундай қарорга келишимизга нафақат бу ерда зарур шарт-шароитнинг мавжудлиги, балки Андижон аҳлининг омиликорлиги, ўз мақсади йўлида тиниб-тиничмаслиги, бошлаган ишнинг албатта охирига етказиш каби хусусиятлари ҳам сабаб бўлди, десам, муболаба бўлмади.

Биз қўрилиш лойиҳасини амалга оширишга киришганимизда, кўпчилик бунга ишончсизлик билан қараган, ҳатто баъзи бир узоқ ва яқин кўшниларимиз орасида "Бу ишни СССРдай кучли давлат ҳам уздайла олмаган-у, Ўзбекистонга қим қўйибди!" — деганлар ҳам бўлган эди.

Лекин халқимиз, авваламбор, андижонликлар бу ташаббусини қўллаб-қувватлаб,

унинг рўёбга чиқариш учун белни маҳкам боғлаб меҳнат қилди. Биз бу йўлда қандай қийинчилик ва муаммоларга дуч келганимизни ўзимиз ва фақат ўзимиз биланам.

Бу борада етарли тажрибамиз бўлмасда-да, барча муаммо ва тўсиқларни мардонанга энгиб ўтиб, шу эл-юрт қандай буюқ ишларга қодир эканини амалда исботладик.

Энг муҳими, бу замонавий корхонанинг барпо этилиши наинки вилоят аҳли, айни пайтда бутун халқимизнинг тафаккури ва руҳиятини тубдан ўзгартириб, унинг гурурини юксалтиришга, келажакка бўлган ишончнинг мустаҳкамлашга хизмат қилганини бугун фахрур ифтихор билан таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Ҳаммагизга яхши маълум, хозирги шариҳта ишлаб чиқаришни узлуксиз ривожлантириш, кўчи рақобатга бардош бериш, унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш осон иш эмас, албатта. Бу йўлда учраётган қўп-қўп муаммо ва қийинчиликларни энгишда инсон омилли — заводнинг навқирон жамоаси, аввало бу ердаги ёш ишчи ва мутахассисларнинг малакаси, иқтидорлиги, ишчи ташкил қилиш маданияти, ўз корхонасига, ўз касбига муносабати, садоқати энг асосий таъинимиз бўлди, десак, ўйлайманки, англашмаган бўламиз.

Корхонада хозирга қадар 342 миңдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилиши ва унинг 24 фоизи хорижга экспорт қилингани, янги ҳамкоримиз — Америка Қўшма Штатларининг "Женерал Моторс" компанияси ёрдамида "Матиз", "Ласетти" сингари янги русумдаги энгил машиналар қиқариш йўлга қўйилган ҳам заводнинг замон талабларини асосида ишлаётганини кўрсатади.

Хурматли дўстлар, биродарлар!

Бугун сизлар билан бирга ёдга олсақ арийдиган, эслаганда кишини ҳаяжонга соладиган, кўнгилда гурур-ифтихор уйғотадиган бундай воқеаларни Андижон вилояти мисолида кўплаб келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қапитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" 2003 йил 6 майдаги ПФ-3240-сон Фармони билан бажариш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш, капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларида унинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг муҳим вазифалари ҳисоблансин:

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини ўтказиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари сифати, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қурилишда шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

капитал қурилишда ислохотларнинг боришини мувофиқлаштириш ва унинг мониторингини олиб бориш, танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш, шартнома муносабатларининг ролини ошириш, қурилишда нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш юзасидан тақимлар ишлаб чиқиш;

лоийҳалаштириш ва пудрат ишлари, қурилиш материаллари бозорларида рақобат муҳитини шакллантириш, қурилишнинг бозор инфратузилмасини янада ривожлантиришга қўллаш;

капитал қурилишда иқтисодий ислохотларнинг боришини ақс эътирувчи қўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

танлов савдолари натижаларига кўра тузилган шартномалар мажбуриятлари бажарилишининг мониторингини олиб бориш, объекларни куриш сифати ва муддатларини назорат қилиш.

2. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларининг чекланган умумий сонини 96 нафар, шу жумладан бошқарув ходимларининг сонини 85 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси;

худудий архитектура ва қурилиш бош бўғамларининг намунавий тузилмаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сонини доирасида раиснинг уч нафар, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари ҳамда 9 кишидан иборат хайъат бўлишига руҳсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисига ходимларнинг чекланган сонини доирасида Қўмита марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг мазкур қўмита таркибиди:

Иқтисодий ва қурилиш ташкил этиш, янги технологиялар илмий-тадқиқот институти негизда Қапитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш марказини ташкил этиш;

Пудрат савдоларини (тендерларни) ташкил этиш рес-

публика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат идорадан ташқари экспертиза бош бошқармасининг капитал қурилишда нархларни шакллантириш негизда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказлари ташкил этиш;

Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармасининг Стандартлаштириш ва сертификатлаш бошқармаси негизда хўжалик ҳисобидида Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бир ой муддатда Қапитал қурилишда иқтисодий ислохотлар ва нархларни шакллантириш маркази ҳамда Қурилишда стандартлаштириш ва сертификатлаш республика марказининг тузилмасини ва Марказлар тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

5. Давлат экспертизаси худудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари, Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказларининг намунавий тузилмалари, шунингдек, улар тўғрисидаги намунавий низомлар маъқуллансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини жорий молиялаштириш давлат бюджетни маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалар, шу жумладан давлат экспертизаси худудий бошқармалари, давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциялари ҳамда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказлари даромадларидан 10 фоиз ажратмалар ҳисобига амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказларини юқланган вазифаларни бажариш, шу жумладан нархларни шакллантириш масалалари бўйича керакли материаллар ва ахборотлар тақдим этиш учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлансинлар.

8. Инвестиция лойиҳаларининг ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ.Тулаганов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 декабрь.

Олий Мажлисида

Кеча Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентнинг XIII сессияси кун тартибига киритилган масалалар бўйича фикр алмашилди. Сунгра Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ахборотлари

Мониторинг натижалари муҳокамада

тингиланди. Тошкент вилоятида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва мансабдор шахслар — Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисидаги ҳамда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларни қанчалик билишларига доир мониторинг ўтказилган. Омбудсманнинг минтақавий вакили Л.

Фафурова йиғилиш қатнашчиларини мониторинг натижалари билан таништирди. Нотиж жойларда мониторинг якунлари бўйича Омбудсманнинг тавсияларига эътиборсизлик билан қаралаётганини кўрсатиб ўтди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган мазкур йиғилишда

аёллар ва воёга етмаганларнинг жазони ўташ колонияларида маҳбусларга яратилган шарт-шароитлар хусусида ҳам фикр алмашилди. Айрим баҳога ёшига етмаганларнинг ноиятга қўл уришларига оилаларидаги номақбул тарбиявий муҳит сабаб бўлаётгани қайд қилинди. — Улар жазони ўтаб қайтганларидан сўнг бериладиган

ижтимоий қўмакни вақтида ололмагани ва иш билан таъминланмаслиги ҳам жиноят содир этилишига олиб келмоқда, — деди Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова. — Кўришиб турибдики, туман ҳокимларининг тегишли ўринбосарлари бу масалага алоҳида масъулият билан ёндашиллари лозим. Йиғилиш сўнгида комиссия аъзолари 2004 йилги иш режасини ҳам белгилаб олдилар.

Бир-бирингизга
фазлу муруват
қилишни унутманг.
Аллоҳ нима
амаллар қилаётгани
нингизни қўриб-
билиб туради
(«Бақара» сураси,
237-оят).

Ўз мухбиримиз.

ҲАЁТ БАҲОСИ

Минг қатла шукурки, юртимизда тинчлик-хотиржамлик. Ҳўш, шу осуда ҳаётнинг баҳоси борми? Ҳа, бор. У ҳар биримизнинг ҳатти-ҳаракатимизда, кундалик ишларимизда, бир-биримизга бўлган муносабатимизда намоён бўлади. Бир кекса отахон айтди: бу дунёда ҳамма нарсанинг ҳам дунёда ҳамма нарсанинг ҳам хақи бор, зеро, ерни қаттиқ тепиб бўлмайди, ариқни ифлос қилиб бўлмайди, ҳамма нарсани авайлаш керак. Ҳўш, унинг маҳалламизни асрашни, ёмон кўзлардан эҳтиёт қилишни доимо қўлоғимизга қўяди.

Атрофимиздаги айрим бефарқ, лоқайд, тепса теб-раммас одамларга қарата: «Тинчлик-хотиржамликда яшайсанми, унинг қадрига ет, ҳақини тўла!» дегим келади. Унинг ҳақи — сенинг шу юртга бўлган муносабатингда, қандай яшаётганингда акс этади. Тинч-

лик-хотиржамликнинг баҳоси юксак, лозим бўлса унинг учун жон фидо қилди. Бу бебаҳо неъматни асраш учун аввало, юртининг асра, ўз уйининг «улан-тўшагим», деб бил. Халқаро террорчилик, наркобизнес, одам савдоси, фоҳиша-бозлик, асримизнинг бедаво дарди — СПИД сингари хавф-хатардан ўз уйини, маҳалласини асраш фуқароларимизнинг кундалик оддий вазифасига айланмоғи шарт.

Ҳамза туманида 50 га яқин маҳалла бўлиб, буларнинг аксариятини «Ен қўшним — жон қўшним», деб яшайдиган боғли, ҳовлили маҳаллалар ташкил қилади. Шу билан бирга, кўп қаватли уйлاردан иборат маҳаллалар ҳам анчагина.

«Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзусидаги Икром Акмалов номидagi маҳалланинг 32 та кўп қаватли уйлاردан иборат ўн минг аҳолиси бор. Биз маҳаллага кириб борганимизда гузардаги мажлис залда эллик чоғлик фуқаро, фаоллар, посбонлар қишли-қировли кунлар яқинлашганга босиб, иссиқлик мажмуасини сошлаш, маҳаллани обод қилиш маҳаллани юзасидан оқсоқол Абуабакр Атемқуловни са-

волга тутиб туришган экан.

Олиб борилаётган ишларнинг самараси шуки, маҳаллада ноҳўя ҳаракатга мойил ёшлар аниқланиб, уларни мактаб қошидаги спорт тўғрисидаги жалб қилиш, амнистия тўғрисидаги жазони ўташ жойларидан муддатидан олдин озод қилинганларни ишга жойлаштириш, уларнинг иш фаолиятини хабардор бўлиш изчил йўлга қўйилган.

Тинчлик-хотиржамликнинг баҳоси юксак, лозим бўлса унинг учун жон фидо қилди.

Фуқароларда ҳамон бир кайфият ҳукмрон: уни қилиб бер, бунни қилиб бер. Томидан чакки ўтапти, ким тузатиб беради? Қуриган дарахларни кесиб берадиган одам борми? Шу сингари талаблар кўтарилди, уйлаб ўйга толасан, киши. Юртбошимизнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувда айтган фикр-мулоҳазалари ёдга тушади. «Ҳали-бери ҳаётимизга салбий таъсир ўтказаятган кўпгина мисоллар қаторида боқимандалик касалини гапирадиган

бўлса, эски замондан қолган бундай асоратлар нақадар кучли эканини сезиш қийин эмас».

Маҳалла гузаридан чиқиб, «Шоҳсанам» кўчаси бўйлаб юрар эканман, йўл четига ариқдан зилол сув жилдираб оқарди.

Ортиқ Абдувалиев раислик қилаётган Иминжон Юнусов номидаги маҳалла аҳолиси ҳам-жиҳатлиги, бир-бирларига меҳр оқибатлиги, эл-улусга мурувват кўрсатиши билан одамлар озига тушган.

Ортиқ ака оқсоқол этиб сайланган кундан бошлаб ўз атофиға фидойи, жонкуяр кишиларни тўплаб, ишга киришди.

Натижа шу бўлдики, маҳаллада ўғирлик содир бўпти, деган гап уч-тўрт йил бўлпти, қўлоқча чалинмапти.

Ортиқ Абдувалиев билан суҳбатлашар эканман, сўзи билан иши бир инсон эканлигига амин бўлдим. Зеро, бугуннинг юқини қатъий, ишбилармон, кўнглида меҳрни жо қилган инсонлар кўтардилар. Тинчлик-осойишталикдек ноёб неъмат аслида шундай жонкуяр инсонлар тўғрисида бўлади.

Неъмат ҲАСАНОВ, тарих фанлари номзоди, доцент.

2003 йил — Обод маҳалла йили

қўйган сеvimли ёри — Эшпўлат Сафаров урушга чиқрилди. Шу кетганича қайтиб келмади. Мана 60 йилдики, муштилар аёл умрини садақат билан ўтказмоқ-

чайтирди. Бу — менинг бахтим. Кексайганда ёшариб бораётгандайман. Ёшимнинг улуглиги эъзоздан. Кексалари бахтиёр юрт эса ҳаммиса файз-барокатли бўлган, асло

уни ўз онасидай кўради. иссиқ-совуқдан доим хабардор. — Шу қишлоққа келин бўлиб тушганимга ўттиз йилдан ошди, — дея суҳбатга қўшилди қўшниси Би-

«КЕКСАЙГАНДА... ЁШАРДИМ!»

да. Далада кетмон чопди, мактабда фаррошлик қилди, пилла кўрти боқди. «Одамнинг тафтини одам олади» деганларини рост. Хамроғул, Санобар каби дўгоналари, кўни-қўшилари, маҳалладошлари могома қанот бўлдилар. Аммо ҳаёт барибир бешафқат экан. Чунки кексайганда яқин қариндошларидан ҳам айрилди. Шунда бутун бир маҳалла уни хомийликка олди, рўзгор камчиликларини бутлашга ёрдамлашди. Мақсад — момони ёлғизлаштириб қўймастик. Укситмаслик, атофида гаўхур инсонлар борлигини ҳаммиса эслатиб туриш эди.

—Жонахон ҳамсоғларим, олийжамнат, қалби дарё кишилар борлиги мени ҳаётга дадил қарашга ундайди, — дейди Азиза момо. — Ҳар кунни холимдан хабар олиб туришибди. Ижтимоий таъминот бўлими томонидан бирқитилган қизим — Розияхон ўз фарзандимдай бўлиб қолган, кунда-кунора ёнимда. Одам ҳаммиса офтобга интилиб яшайди, болам. Мустанқиллик офтоби ўзбекининг бир-бирига меҳр-оқибатини янада кў-

завол кўрмаган. Яқинда қоражонликлар кўнми ижтимоий таъминот бўлими ташаббуси билан Азиза момо хондонда ажайиб тадбир уюштиришди. Тўқин дастурхон атофида момонинг ёшлиқдаги дўгоналари, маҳалла фаоллари, узоқ йиллар бирга ишлаган сафдошлари жамулжам бўлишди. Тадбир гўё баъзи-хамшидага айланди. Бадиий ҳаваскорлар чикишлари, тилакларини, кўтовларнинг кети узилмади. Маҳалладошлар, хомий ташкилотларнинг совғалари топширилди. Қўшмадаги гўбурлар ариб, ёшариб қолган Азиза момо ҳам рақсга тушди.

— Аҳиллик — кўт-баракка, барча ютқулар омили, — дейди маҳалла оқсоқоли Темир бобо Рўзиқулов. — Азиза момо ҳаммамиз учун азиз. Бутун умри меҳнатга ўтган бундай инсонларга ҳар қанча меҳр кўрсатилса ҳам ош. Айнақса, тадбиркор йигит Зиёдулла Холмуродов


бисора Ҳамидова. — Момоимизнинг панд-насиҳатлари билан яшаймик. Бирор муаммо чиқиб қолса, дарҳол маслаҳат учун олдиларига югурамик. Яхши сўзини асло аямайди.

— Яққа-ёлғиз яшаб келаётган 90 нафар қария химоямизга олинган, — дейди Навбахор тумани ижтимоий таъминот бўлими мудириси Сабоҳат Раҳимова. — Ҳар бир қариянинг қадрига етиш, ўзбекичилигимизни намоён қилишга тўла имконият бор. Мана, Қоражон қишлоғи аҳлининг Азиза момо Қаюмовага кўрсатаёт-

Ёшимнинг улуглиги эъзоздан. Кексалари бахтиёр юрт эса ҳаммиса файз-барокатли бўлган, асло завол кўрмаган.

ди? Эҳтимол, севинча-севинч уланиб тургандайди. Эҳтимол, қувонч ўтган давр мусибати билан қиёс айлангандайди. Эндилкида меҳр ҳаётимиз мазмуни, узоқ умр гарови, ҳар биримиз учун нондек, хаводек зарур неъматга айланмоқда. Ҳам-жихатлик бор жойда эса меҳр бўлоғи янада жўшаверади.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Маҳалла удумларидан энг яхшиси — бу одамларнинг ҳамжихат, ҳамкор, дўст-биродар бўлиб яшашлари, доим бир-бирларининг ҳол-аҳолидан хабар олиб туришлари, меҳр-оқибатли бўлишларидир. Саксон ёшдан ошган Азиза момо Қаюмова қишлоқдошларининг ана шу фазилатларига тасанно айтишдан асло чарчамайди.

Табаррук онахон Қоражон қишлоғидаги мўжазига на ҳовлида истикомат қилади. Қалби пок, тили тоза момонинг ҳали қўллари меҳнатдан толган эмас. Бу хондондан маҳалладошлар қадами узилмайди. Момо бир пилла чой узатаркан очилиб кетади.

— Эҳ-хе, не-не даврларни, не-не замонларни кўрмадим, — дейди Азиза момо. — Улар гўё тушга ўхшайди. Аммо 70 йилда кўрмаган меҳр-оқибатни истиклол йилларида кўрдим. Бундай мунаввар кунларнинг қадрига етган асло кам бўлмайди, болам.

Онахон ҳар гал дуодан сўнг «Аҳилликка кўз тегмасин» деб қўяди. Бунинг босин бор, албатта. Унинг болалиги ўтган асрнинг 20-йилларига тўғри келган. Алғов-далғовли қатагон даврини бошидан кечирди. Даҳшатли инқинчи жаҳон уруши йиллари не-не азоб-қубатларни кўрмади, дейсиз?

Эндигина келинчак либосини кийганида яхши ният билан бир ёстиққа бош

D-AMPS GSM
UZDUNROBITA
first cellular

POWER

УЯЛИ АЛОҚА ҚУВВАТИНИ ЁҚ!

NEW! Сурхондарё вилоятининг - Шеробод ва Шўрчи шаҳарларида GSM тармоғининг кенгайиши.

NEW! PTC(Польша), Swisscom (Швейцария), Azercell (Озарбайжон) ва UMC (Украина) компаниялари тармоқларида халқаро роуминг.

NEW! Ермак (Россия), Smarts (Россия) ва T-mobile (Голландия) компаниялари абонентлари билан халқаро SMS-хабарлар алмашишлар.

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ:
УСМОН ЮСУПОВ КЎЧАСИ, 16-ЧЙ ("ЛАВЗАК")
130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
"ЎЗДУНРОБИТА" ҚҚ ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611
WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРИ:
АНДИЖОН: (2290909); БУХОРО: (2270909); ЖИЗЗАХ: (2279909); НҲҚС: (2210909); ҚАРШИ: (2290909); САМАРҚАНД: (2380909); НАВОЙИ: (2280909); НАМАНГАН: (2120909); ТЕРМИЗ: (2329909); ҒАЛИСТОН: (2240909); ФАРҒОНА: (21210909); ЎРҒАНЧ: (2216309); ОҚМАЛИҚ: (61160909); БЕКОВД: (9123456); ДЕНОВ: (4119909); ЧИРЧИК: (7116909); ЯНГИЙЎЛ: (60140909); ШАҲРИСАБЗ: (2221909); ҚЎҚОН: (55170909);

«ХИМОЯ»
ҲУҚУҚҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

- дебиторлик қарзларини ундириш;
- ҳар қандай ҳужжатни низоларини кўриб чиқиш;
- корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
- шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
- чет эл ваколатхоналари аккредитацияси;
- қадестр ҳужжатларини расмийлаштириш ва қайта расмийлаштиришда ёрдам кўрсатиш;
- уй-ҳой фондчини нотурар жойга ўтказиш;
- корхоналарни теокор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.

Манзил: А.Иеромов к., 13-уй (Мўлжал — метронинг «Х.Олимжон» бекати).
Телефонлар: Тошкент ш.: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72.
Бухоро ш.: (355) 223-63-72, 223-68-95. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.

«ЎЗТРАНСГАЗ» акциядорлик компаниясининг магистрал газ қувурларига тўғридан-тўғри чиқувчи Ўзбекистон Республикасидаги табиий газнинг улгуржи истеъмолчилари бўлган ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

«ЎЗТРАНСГАЗ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
шунинг маълум қилдики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2003 йил 27 ноябрда тасдиқлаган № 19-03-РЎ-97-2003 й. нарҳлар прејискурантиса мувофиқ, Ўзбекистон Республикасидаги улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган газнинг баҳоси 2003 йилнинг 1 декабридан бошлаб қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метр газ учун 22700 сўм миқдоридан белгиланди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

UNICEF CARK UZBEKISTAN VACANCY
Senior National Professional Officer - Health Programme, Level - 3

The United Nations Children's Fund (UNICEF) CARK in the Republic of Uzbekistan has an open vacancy for Senior National Professional Officer to the programme section of the office. UNICEF within its mandate provides support to the state to improve the well being of women and children through the current Country Programme of Cooperation between the Government of Uzbekistan and UNICEF. The incumbent is expected to work as part of an international and national multidisciplinary team under the direct guidance and supervision of the UNICEF Programme Coordinator. Responsibilities include designing, managing, implementing and monitoring of the Maternal and Child Survival, Protection and Development programme, with a particular focus on assisting the state in overall public health reforms involving early child survival, safe immunization, micronutrient malnutrition and integrated management of childhood diseases.

Qualifications/Requirements

Education: Advanced University Degree in Social Sciences, Public Health or Medicine.
Work Experience: At least five to seven years professional work experience in the area of health, immunization, safe motherhood and breast feeding and micronutrients. At least two years experience should be in supervisory/managerial positions.
Languages: Fluency in English, Russian and Uzbek.
Other skills and attributes: Good judgement, initiative and a high sense of responsibility, together with organizational, negotiating, and analytical skills. Good report-writing skills. Supervisory and managerial skills. Knowledge of latest developments and technology in the field of child enrichment. Knowledge of computer management and applications. Ability to work in an international and multicultural environment. Proficiency in data processing is an added advantage.

Period of Assignment:
The appointment is a Fixed Term position initially for 6 months with possibility of extension depending on performance.

Closing date for Applications
The application should include a Covering Letter, a current CV (or P11 form for UN staff), names and contact details of at least three professional or academic referees and proof of academic qualifications. Applications must be submitted by close of business on 09/12/2003 to the Assistant Operations Officer, UNICEF Office, 43, Khadicha Suleymanova Street, Tashkent (Phone: 133 95 12).

Applications from qualified women are encouraged. Only those who are short-listed for interviews will be notified. UNICEF is a smoke-free environment.

«ЛОК КОЛОРИ СИНТЕЗ» ҚҚ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

Рутил қопламали, пресслаш йўли билан хорижий хомашёдан тайёрланган «ЛКС-1» (MP-3 га ўхшаш) русумли Э46 туридаги электродларни сотади.

Электродлар машинасозликда, кемасозликда, саноат қурилишида, нефть-газ магистраллари ва қувурлар ётқишида ҳамда резервуарлар ишлаб чиқаришида кенг қўламда ишлатилади.
Қўлланиладиган ток тури — ўзгарувчан ёки ўзгармас тоқлар. Ёй осонлик билан ҳосил бўлади ва яхши ёнади.
Пайванд чоки силлиқ бўлиб, ҳар қандай ҳолатда сифатли шаклланади.
Электродлар ишлатилишида қулай бўлиб, бошқаларига нисбатан пайвандчи нафас йўллариға кам зарар етказилади.
Товар сертификатланган.
Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарғона йўли қўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.
Факс: (998 71) 191-74-63.
E-mail: lokcolor @ online.ru

Ўзбекистон Давлат санъат музейини гўзаллига ва нафосат оиёни десак, асло муболага қилмаган бўлаемиз. Маскур музейда 50.000 дан ортиқ экспонат бор.

Кўнгул гўзаллиги андадир

Музейнинг ўзбек амалий санъати бўлимига қадам қўйишнинг билан қаршигадасгаройиб эртақлар шаҳарчасини кўрасиз. Нақшинкор тоқчалар, шафк-жавонлар, ўриндилар... Безак ва ҳажм жиҳатидан бир-бирини асло такрорламайди. Шундай моҳирлик билан ясалганки, улардан аввало ашё сифатида фойдаланилади, иккинчи томондан эса санъат асарини вазифини ўтайди. Олис замонларда эмас, худди кечагина ишланганга ўхшади. Аждадларимиз шу қадар ноёб ижодкор ва меҳнатқаш бўлган экан-да, деган фикрдан юрагингиз ҳаприқади. Дарвоза ва эшикларни айтмай-сизми? Уларнинг ўймакор нақшларини одам кўли яратганига ишонингиз келмайди. Ким билади, усталар нақшларда ўз кўнгулларини акс эттиришгандир. Шу лаҳзада шахримиздаги дўконларда сотилаётган, нархи осмонда бўлган чет эл мебелларининг анчагина гариблигини ҳис этдим, беихтиёр. Не-не санамларнинг кўз нури тўқилган, орзуармонлари битилган сочик, сўзана, чойшаб, дастурхон ва паллақлар ўрнини бугун замонавий дастоҳларда, компьютер бошқарувда тикилган матолар боса олмаслиги турган гап.

Музейнинг қатор чет давлатлар билан алоқалари яхши йўлга қўйилган. Санкт-Петербургда "Мум хайкаллар" "Мум хайкаллар" музейлари экспонатлари кўргазмаси ўтказилиши мутахассислари томошабинлар эътиборини қозонмоқда.



Маънавият

Ҳар йили баҳорнинг иккинчи ойи мобайнида музейнинг "Мум хайкаллар" кўргазмасида томошабинлар тирбанд бўлади. Биринчи залда соҳибқирон Амур Темурнинг салобатли хайкали ўрнатилган. Кейинги хоналарда "Гарри Поттер" ва "Узук эгаси" фильмларининг салбий ва ижобий қаҳрамонлари билан танишасиз. Бир танада жойлашган икки калла, бирининг кўксидан иккинчиси ўсиб чиққан кўшалок одамлар, уч кўзли одам гаройиботнинг нақ ўзгинаси. Инсонпарвар олим Андрей

Сахаров, шоир Александр Блок... Хайкаллар хайкал эмас, гўё жонли, тирик одамга ўхшади. Уларнинг кўл ва калла қисмлари мумдан, тана эса пластикдан ясалган. Соч, соқол, мўйлов ва қошлари ҳақиқий бўлиб, улар мум устига битта-битта экилган. Битта хайкал учун 150.000 дан ортиқ соч толаси керак бўлади. Кўз протезлари Святослава Фёдоров номили офтальмолог клиникада бўлиб, иккита линзадан иборат. Орасида қаҳрамон кўз рангига мослаб бўялган суюқлик жойлаштирилган. Четида ҳаво юриши учун жой қолдирилган бўлиб, у ёруғлик — чироқ тушганда жонланади. Тиш протезлари эса стоматология клиникасида ишланган.

ди билан танишади. Буларнинг барчаси унинг дунёқараши, фикр доираси, ҳаёт, олам тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларини кенгайтириши шубҳасиз. — Минг йиллик тарих, маданият, қадрият ва маънавиятимизни ўрганишда музейларнинг ўрни жуда катта, — дейди биз билан суҳбатда музей директори Насиба Иброҳимова. — Ёш авлод тарбиясида, айниқса, Улар ўз юрти тарихи, осори-атиқалари, ўтган авлиёи алломуларини китобдан ўқиб билиши, расмлари, портретлари ва хайкалларини музейларда кўришиди. Ана ўшанда миллий ғурур ва миллий ифтихор деб номланувчи муқаддас туйғулар юракка янада чуқурроқ жойлашади.

1992 йилнинг 4 ноябрида Бухорода "Музейларда маркетинг" мавзусида ўтказилган биринчи халқаро симпозиум ишмида муҳим омил бўлди. Унда АҚШ, Франция ва Финляндия музейлари ходимлари иштирок этишганди. Хуллас, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлашга хизмат қилувчи музейлар, шу жумладан бизнинг музей ҳам Ўзбекистоннинг бой ўтмиши ва обод келажагидир.

Гулчехра Йўлдошева, "Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистондаги Япон маданияти марказида пойтахтимиз олий ўқув юртидаги япон тили ўқитувчиларининг семинар - тренинг бўлиб ўтди.

Самарали ҳамкорлик

Семинарни Нагоя университети профессори Акито Одаки ва Халқаро япон тили фонди ўқитувчиси Томоё Шибихара олиб борди. Акито Одаки япон тилининг бошланғич таълимидан то мукамал таълимгача ва ўзаро суҳбатлашиш маданияти ҳақида, Томоё Шибихара эса оғзаки ва ёзма таржималар дарсини қандай олиб бориш тўғрисида маъруза қилди. Тадбирни ўтказишдан мақсад япон тилининг ўзига хос жиҳатлари, фандаги янгилардан ўқитувчиларни хабардор қилишдан иборат.

Дилноза НОМОЗОВА.

Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилмаган биздан эмасдир (Ҳадиси шариф).

Қилмиш — қидирмиш



Давлат чегаралари муқаддас ва дахлсиздир. Бу гапнинг замирида қанчалар оғир ва машаққатли меҳнат, хушёрлик, садоқат ва масъулият ётишини чегарачиларнинг хизмат фаолиятидан хабардор кишинга тушунади. Тошкент халқаро аэропортидан дунёнинг барча бурчакларига учиб кетиш мумкин. Бу масканга яхши ҳам, ёмон ҳам ўз мақсади билан келади.

риб тополмаётир. Шу йилнинг 5 октябры куни Ўзбекистон фуқароси М. Р. Москвадан учиб келганида, сохта ҳужжати ҳаракатдаги қонун ва тартиблар асосида олиб қўйилди. Ушбу фуқаро ҳам сохта шинген визасига эга бўлиб, унга визани Гулистон шаҳридаги фуқаролар Р. ва М. қўлбола усулда ясаб беришган экан. Фуқаро М.Р. бу виза билан

Энди уни қонуний жазодан кейин олади. Шу ўринда фуқароларга бир нарсани эслатиб қўйиш ўринлидир. Хозирги пайтда сохта визалар ва ҳужжатлар тайёрлаш йўли билан фуқароларнинг чет элга чиқиши буйича ўз «халис хизмат»ларини тақлиф қилади-ган «фирма» ва уларнинг «ҳодим»лари онда-сонда бўлса ҳам, учраб туради. Хеч қандай фирма давлатнинг ихтиёридаги, унинг ўзига хал қилиши керак бўлган вазифаларни зиммасига ололмайдми. Бунинг учун давлатга қарашли расмий идоралар, элчионалар мавжуд. Улардан бошқасига мурожаат қилишнинг оқибати айтиб ўтганимиздек бўлди.

Қолаверса, чет элга чиқиш буйича керакли маслаҳатлар олиш учун чегара қўшилларининг тегишли органларига мурожаат қилинса, ҳаққонан ва тўғри йўлни улар кўрсатган бўлар эди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегаралари тўғрисида»ги Қонунининг 15-моддаси охириги бандида айтилганидек: «Давлат чегарасини тегишли рухсат бўлмағи туриб ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда ҳар қандай техникавий ёки бошқа хил воситалар билан қосиб ўтиш ҳам Давлат чегарасини бузиш ҳисобланади». Чегара бузувчилар эса қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

М. МАТАЕВ.

Сохта ҳужжат панд берди

Яқинда Тошкент халқаро аэропорти орқали Москвага ва ундан Германияга учиб кетишни мўлжаллаган фуқаро И. Ш. паспорт назорати пайтида тўхтаб қолди. Сергак чегарачилар томонидан йўловчининг паспортидagi виза қалбаки эканлиги аниқланди. Москвада сохта йўл билан жуда моҳирона тайёрланган шинген визасини бир кўришда ҳақиқийсидан фарқлаш қийин, аммо қилни кирқ ёрадиган чегара назоратчининг касбий билими ва катта таҳрибаси, ўз хизмат вазифасига виждонан ёндашиши натижасида сохта ҳужжат фох қилинди.

қандайдир «Родмила» деган фирмага мурожаат қилиб, Германияга арзонгина нархда виза олмақчи бўлади. Фирма ходими Катерина ҳужжатларни расмийлаштириб, уни Москвадаги Мухаббат исми аёлга яна бир минг тўққиз юз АҚШ доллари бериб шинген визасини расмийлаштиради.

айни дамда қонуний йўлни танлаган йўловчи йўл бошидаёқ тўхтади. Жами икки минг етти юз АҚШ долларини беҳудага сарф этиб, бизнес йўлига тушган ва ишбилармон пулларига қўйиб қолаверди.

Францияга чиқиб кетишни режалаштирган эди. — Худди шу кун Тошкент — Москва йўналиши бўйича йўлга чиққан йўловчи, Ўзбекистон фуқароси П.В. ҳам тўхтади. У аввал сохта виза билан Финляндияга чиқиб кетмоқчи бўлган. Финляндия чегарачилари визаси қалбаки эканлиги билди, уни қайтариб юборишган. Шунда ҳам катта пул эвазига қилинган визадан воз кечишни хоҳламай, Тошкент халқаро аэропортига келиб, Москва орқали самолётда учиб кетмоқчи бўлган. Қинғир ишнинг қийиғи чиқиб, фуқаро П.В. паспортдан вақтинча айрилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2003 йил 31 октябрдаги кўрсатмасига асосан 10-12 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги «ЎЗКЎРГАЗМА САВДО» ЖАМИАТИ БИНОСИДА «Файз», «Ўзқиллоқ», «Жалиқмаш» холдинг компаниялари, «Ўзашансоат», «Ўзқимёсоат», «Ўзэлтехсоат», «Ўзавтосоат», «Ўзбекқозсоат», «Ўзгағрошсервис» акциядорлик уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, «Совпластитал» ҚК, В.П.Чкалов номили авиация, «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш бирылашмалари, «Қизилқумнодирметаллотин» концерни, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзқикламчирангметалл» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2004 йилда ишлаб чиқариладиган энгил автомобиллар, мебель, маданий-маиший, хўжалик, электр хўжалик, қурилиш материаллари, қозоқ, зарғарлик маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол товарларига республика ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъи назар истеъмолчилар билан шартнома тузиш

O'ZSANOATQURILISHBANK Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Ўрта Осиё маданияти ва санъати ихлосмандлари диққатига! «SAN'AT» журнали

Нафосат Ва чаққонлик баҳси

КАРБИД КАЛЬЦИЯ Фракции Ø 25 - 80 сум/кг по цене 700

SAMSUNG DIGIT All everyone's invited. КАФОЛАТ - 3 йил. КОНДИЦИОНЕРЛАР ҚИШ - ЁЗ

МАКСИМА МЕБЕЛЬ САЛОНИ Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, бригитчлар, кандиллар, идиш-товоқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ, ванжомлари ва санъат маҳсулотларини тақлиф этади.

ФРИКЦИОННЫЕ ИЗДЕЛИЯ ДЛЯ ТРУЗОВОГО И ПАССАЖИРСКОГО ТРАНСПОРТА: НАКЛАДКИ ДЛЯ ДИСКОВ СЦЕПЛЕНИЯ, НАКЛАДКИ ТОРМОЗНЫЕ, ПАРОНИТ ПОН-Б, ПМБ толщ. 0,8 : 4 мм.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ. Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралминов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўбсаров, О. Қишберганов, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

«Ўзметавтотранспорт» компанияси раҳбарияти ва жамоаси «Боллар таомлари» — холдинг компанияси бошқаруви раиси Эркин Солиевга отаси Нурмамат СОЛИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзтеледиокомпания ижодий жамоаси «Ёшлар» телеканали «Камалак» студиясининг бош муҳаррири Зафар КОМИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Тошкент гўшт-сут савдо» ОАЖ жамоаси аъхдоҳлиқ мудири Рустам Мухаммадиева валидаси МУҚАДДАСХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Боснига тошириш вақти — 21.00

Рўхсатдан ўтиш тартиби № 00001. Буюртма Г — Г — 00172. 21378. Нухсала босилди, ҳажми — 2 тираж, Ойеят худдида босилган. Кўрпа бичими А-2. Газета ИВМ компьютерида терилди ва оператор Жамид ТОВАЕВ томонидан саҳифаланди. Таҳриргазда ҳажми 5 қондан ибид материаллар қабул қилинади. Тижорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Х. Шаманов. Мусоҳиҳ — М. Сулаймонова.